

Барча нарса маълум миқдордадир



18:58 / 20.03.2018 4078

Ҳеч бир нарса йўқки, унинг хазиналари ҳузуримизда бўлмаса. Уни фақат маълум ўлчов-ла туширурмиз.

Дунёда Аллоҳдан ўзга бирор қодир ва молик зот йўқ. Ҳар бир нарсанинг хазиналари, манбалари, асллари Аллоҳнинг ҳузуридадир. Дунёда ҳеч бир нарса ўлчовсиз, бетартиб эмас. Ҳамма нарсанинг ўлчови бор. Бу ҳақиқатни, айниқса, табиий илмлардан хабардор кишилар яхши билишади. Дунёдаги ҳар бир нарса, ҳар бир модда маълум миқдорга эга, ўша маълум миқдордан озайиб ёки кўпайиб қолса, мувозанат бузилади. Ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетади. Аллоҳ берган ризқларга ҳам футур етади.

Ўша маълум миқдорли нарсалардан бири келаси оятда зикр қилинади:

«Ҳижр» Шамолларни урчитувчилар этиб юбордик. Бас, осмондан сув тушириб, у ила сизларни сероб қилдик. Сизлар уни тўпловчи эмассиз.

Яъни «Биз шамолларни ўлчов билан булутларни урчитувчи, бир-бирига қўшиб, сув ҳосил қилувчи этиб юбордик. Ёмғирнинг ёғишига асосан шамоллар сабаб бўлади. Улар маълум қоидаларга кўра эсади. Пайдо бўлган булутларнинг бир-бирлари ила қўшилишларидан сув ҳосил бўлади. Ана шундан кейин осмондан сув тушади, ёмғир ёғади. Аллоҳ таоло у сув билан ер юзини, одамларни сероб қилади. Деярли ҳамма ризқ осмондан тушган шу сувга боғлиқ бўлади. Инсон эса Аллоҳ унга осмондан тайёр

ҳолда тушириб берган сувни тўплаб олишга ҳам қодир эмас. Уни тўплашни ҳам булоқ, қудуқ, анҳор, ер ости кўллари ва бошқа воситалар орқали Аллоҳ таолонинг Ўзи амалга оширади.

«Ҳижр» Албатта, Биз ўзимиз тирилтирурмиз ва ўлдурурмиз. Ва Биз меросхўрмиз.

Яъни ҳаёт ҳам, ўлим ҳам Аллоҳ таолонинг қўлидадир. Ҳаммадан кейин бу дунёда қолувчи Зот ҳам, яъни меросхўр ҳам Аллоҳнинг Ўзидир.

Ҳаёт ва ўлим ҳақида инсоф ила тафаккур юритиш бу икки нарса ҳам улкан мўъжиза эканини тушуниб етишга олиб келади. Инсон ҳозиргача бирор нарсага ҳаёт ёки ўлим бериш у ёқда турсин, ҳаёт ва ўлим деган ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини ҳам тушуна олгани йўқ. Бу ожизлик эса ақли бор инсонни ҳамма нарсага қудрати етувчи Аллоҳга иймон келтиришга чорламоғи лозим.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири Ҳилол китобидан)